



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 13 (14.064)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Хурматли депутатлар ва сенаторлар!
Азиз юртдошлар!
Мухтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Жонажон Ўзбекистонимиз янги ўн йилликка қадам қўймоқда. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифалар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда. Шу босис, бугун Сизлар билан биргаликда мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича, устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб олишимиз лозим.

Яқинда "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шiori остида бўлиб ўтган сайловлар натижасида республикамизда демократик ислохотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга келди.

Сайловлар очик-ойдин, халқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га яқин давлатдан ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан 825 нафар кузатувчи иштирок этди. Биринчи марта Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 316 кишилик тўларонли миссияси билан яқин ҳамкорлик қилдик.

Халқаро кузатувчилар сайловлар эркин рақобат муҳитида, сиёсий партиялар ўртасидаги қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида ўтганини, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада ошганини алоҳида эътироф этдиклар.

Барча халқаро кузатувчиларга сайлов жараёнида рақобатчилик ҳолиси фикрлари ва тавсиялари учун бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдираман. Биз албатта ушбу тавсияларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиб, тегишли дастур қабул қилиб, амалиётга кенг жорий этамиз. Бу борада сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаолиятини ошириш олдимизда турган муҳим масалалардан биридир.

Шу билан бир қаторда, маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказишнинг уч погонали тизимини оптималлаштириш, бунда туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Парламент ва Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича режалаштирилган вазифаларни амалга ошириш учун яқин ҳамкорликда иш олиб бориши зарур бўлади.

Барча депутат ва сенаторларга, уларнинг тисмолида бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман: демократик ислохотлар йўли – биз учун аяққа ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар куни изланишдамыз, хориждаги илгор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улғувор максатни ўз олдимизда қўйганмиз. Бу борада "Жамият – ислохотлар ташаббускори" деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолиимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим.

Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бერмайди.

Халқимиз шунинг яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради.

Мен бунга қатъий ишонаман ва бу фикрни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар, деб ўйлайман.

Хурматли қўшма мажлис иштирокчилари!
Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил – "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да салмоқли натижаларга эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.

Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил қилди, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг яқин ички маҳсулотга улуши 37 фоизга етди. Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорига 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтингини охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кўчатириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизга ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил даврида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди.

Қишлоқ ҳўжалигида фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишларимиз давом этмоқда. Соҳага илгор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда.

Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этялмиз. "Хар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиқа солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сонини йил давомида 500 мингга кўпайди.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кўтилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратди.

Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингга ёки 2018 йилга нисбатан қарий 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Жаҳон банкининг "Бизнес юретиш" рейтингига 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олдик. Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир.

Мактабга таълимни ривожлантириш борасида бошланғич ислохотларимиз натижасида ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилди. Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир.

2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

Ишлаётган пенсионерларга пенсияни тўлиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд аҳоли учун нафақа миқдори 2 баробар кўпайтирилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 дан 126 тага кўпайтирилди, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди. Қишлоқ жойларда – 17 минг 100 та, шаҳарларда – 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди. Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.

Амалга ошираётган ислохотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – "Экономист" журналининг Ўзбекистонини 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – "Йил мамлақати" деб эътироф этди. Бундай баҳо барчамизга ҳеқисиз руҳан, ифтихор ва кўч бағишлайди, янги марраларга гулрантиради, десам, уйлайманки, сизлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар.

Азиз ватандошлар!
Ўтган йили амалга оширган ишларимизни танқидий таҳлил қилиб, қўйидаги ҳулосаларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биринчидан, барча даражадаги раҳбарлар, эришилган дастлабки ижобий кўрсаткичларга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка асло берилмаслиги керак.

Янги Парламент ва ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги фаолиятининг пировард максатиди – Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шарт.

Шу муносабат билан депутатларимизга мурожаат қилиб, шунинг айтмоқчиман: сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш зарур. Акс ҳолда, сизларга ишонч бўлидиган сайловчилар олдига депутатнинг обрўси бўлмайди, партиянинг мавқеи тушиб кетади. Чунки бугун халқимизнинг тафаккури ҳам, дунёқараши ҳам, талаб ва эҳтиёжлари ҳам бутунлай ўзгарган. Халқимиз ҳаммадан зийрак ва улғурди.

Иккинчидан, бошқарув тизимини сифатини оширишда "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Виртуал ва Халқ қабулхоналарига йўллик 1 миллиондан зиёд мурожаат келиб тушаётгани халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқишни талаб этади. Энди давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг ушбу мурожаатларни қай даражада ҳал этаётгани бўйича ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари кенгашларида мунтазам эшитиш тизимини йўлга қўйилади.

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш бундан буён Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилади.

Ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан доимий ишлаб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак. Шунда депутатлар ўз сайловчиларига берган ваъдаларни устидан чиқариб, халқнинг ишончини оқлайди, меҳрини қозонади. Шунда мен ҳам нафақат Президент, балки оддий сайловчи сифатида сизлардан жуда миннатдор бўлар эдим.

Учинчидан, биз Ўзбекистонни ривожланиш мамлақатга айлантиришнинг максатиди қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юртадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адалиш бўлади.

Шарқ доншмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!"

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўрнаттириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айлантириш керак.

Тараққийта эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишиминг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Юртимиз "Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси" бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Ақсарият вазирилик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу босис, рақамли иқтисодиётта фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Бунинг барчамиз теран англаб олишимиз даркор.

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин.

Қадрли юртдошлар!
Хурматли халқ ноиблари!
Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошланғич ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш максатиди мен юртимизда 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб ном беришни тақлиф этаман.

Биз 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислох этиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширишимиз лозим. Хусусан, боғча ёшидаги болаларни мактабга таълим билан камраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур. Ушбу максатларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарий 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабга таълим муассасалари ҳам бево-сита иштирок этади.

2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таки капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сонини 141 тага етказилади.

Педагогик маҳорат ва илм-маърифат эга болган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этамиз.

Мактаб ўқув дастурларини илгор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкларини ва фанларни қайта қўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур.

2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун 348 та таълим мактаб белгиланиб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчининг малакаси оширилади.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизимини йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.

Қадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш максатиди миллий малака тизимини ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагиди ўти бор, ўшунинг ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларини яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан камраб олиш даражасини 2020 йилда ҳамда 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз.

Бу борада шунинг унутмаслик кераки, олий таълим қамровини ошириш тўлов контрактга боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шунинг ҳисобига олиб, олий ўқув юртига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтирамиз, десам, сизлар бу фикрга қандай қарайсиз?

Қизларимиз учун алоҳида грантлар ҳам ажратилади. Хотин-қизлар қўмитаси ушбу грантлар асосида ўқитишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқиши керак.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ҳам оптималлаштириш зарур. Биз бунда асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртиларига чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз зарур. Мисол учун, она тили бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини яратиш лозим. Ёшлар исталган вақтда имтиҳон топтириб, тегишли гувоҳнома олса, олий ўқув юртига ўқишга қираётган пайтда она тили бўйича қайта синавдан ўтишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

(Давоми 2, 3-бетларда)



АЗМУ ШИЖОАТЛИ ХАЛҚИМИЗ ТАРИХИМИЗНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ЯРАТИШГА ҚОДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январь кунин Олий Мажлисида навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.

Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, нодавлат ташкилотлар фаоллари, жамоатчилик иштирокчилари иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг телерадиоканаллари, шунингдек, ҳудудий ва нодавлат телеканаллар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали тўғридан-тўғри намойиш қилинди.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида янгилик бўлган бундай тадбир илк бор 2017 йил 22 декабрда ўтказилган эди. 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисида иккинчи Мурожаатнома тақдим этилди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган мазкур дастурий маърузаларда мамлакатимизни тараққий эттириш ва халқимиз фаровонлигини ошириш, жонажон Ўзбекистонимизнинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилган кўплаб муҳим вазифалар белгилаб берилган ва ушбу маърузалар халқимизда, жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотган эди.

Бу галги Мурожаатномада ҳам ўтган йилда амалга оширилган ишлар танқидий таҳлил қилинди, жорий ва келгуси 5 йилга мўлжалланган истиқболли режалар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари баён этилиб, долзарб қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Президентимиз жонажон Ўзбекистонимиз янги ўн йилликка қадам қўйгани, эришган натижаларимиз тарихга айланиб, эндиликда олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш, бундан-да улкан марраларни эгаллаш бўйича вазифалар пайдо бўлаётганини таъкидлади.

Маълумки, 2019 йил Президентимиз тақлифи билан мамлакатимизда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили деб эълон қилинган эди. Замон шиддат билан ўзгариб, дунё миқёсида манфаатлар қураши, рақобат тобора авж олиб бораётган бир пайтда тараққийотимизнинг устувор йўналишлари аниқ-равшан белгилаб олингани самарасида ўтган йилги натижалар ҳам салмоқли бўлди. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошликни кўчатириш дастурлари жадал амалга оширилгани натижасида иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди.

Халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш ислохотларнинг эътибор қаратилди. Бизнесга шарт-шароит кенгайтиди, янги тартиб-таомиллар жорий қилинди. Бу ташаббуслар туфайли тадбиркорларнинг манфаатдорлиги ортди. Натижада Ўзбекистон Жаҳон банкининг "Бизнес юретиш" рейтингига 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича 190 та мамлакат орасида 8-ўринни эгаллади ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олди. Бундай ютуқларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Таълим мазмунини тубдан ўзгартаришга қаратилган изланишлар давом эттирилди. Соғлиқни сақлаш, кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, уй-жой қуриш қамрови кенгайтиди. Бир сўз билан айтганда, барча соҳадаги ислохотлар, аввало, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, ҳаётини ўзгартариш тамойили асосида олиб борилади.

Президентимиз янги парламент ва ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги фаолиятининг пировард максатиди – Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шартлигини таъкидлади.

Ҳар биримиз ишчи ана шундай ташкил қилсак, зиммамиздаги масъулиятни тўлиқ ҳис этиб, виждонан ишласаккина халқимизнинг ишончини оқлаймиз, меҳрини қозонамиз, деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонни ривожланиш мамлақатга айлантиришдек олий максатда эришиш учун барча соҳадаги ислохотлар илм-маърифат ва инновацияга ёндашган ҳолда амалга оширилмоқда. Мурожаатномада илм-фанни ривожлантириш, билимни ва малакали янги авлод кадрларини тайёрлаш орқали мамлакатни юксалтириш стратегик максатиди бўлиб қолиши таъкидланди.

Шу максатда Президентимиз тақлифида мувофиқ, 2020 йил – мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу тақлифи тадбир иштирокчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Президентимиз депутат ва сен

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда)

Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасига икки ой мuddатда ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли конун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилади. Шунингдек, ҳукумат жорий йилда давлат дастурлари доирасида ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш орқали 500 мингта янги иш ўрни яратишни таъминлашни зарур.

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман, ҳар бир тармок, соҳа, вилоят ва туманда яратилган тадбиркорлик субъектлари ва янги иш ўринлари, ана шу тузилмалар раҳбарлари фаолиятини баҳолашда энг асосий мезон бўлади.

Йил давомида бюджет тизими ҳодимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилиши.

Ижтимоий нафақа тўлашнинг мукамал тизимини жорий этиш, жумладан, кам таъминланган oilаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш зарур. Шунингдек, нафақа тайинлашдаги мезонларни қайта кўриб чиқиш ва уларни белгилашда очик ва адолатли тизим яратиш, бу борада маҳалланинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш лозим. Умуман олганда, аҳоли ижтимоий нафақа бўйича битта идорага муурожаат қилганидан кейин ўша идоранинг ўзи бир қунда ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб, масаланинг ечимини топиши керак.

Фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат паспорт билан бориб, муурожаат қилиши қийин бўладиган тизим яратилди. Бунинг учун, биринчи навбатда, давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши керак.

Жорий йилда кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш зарур. Бу тоифа учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдори ҳам қайта кўриб чиқиши керак.

“Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш билан, келажақда уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Чунки бундай фарзандларимиз уларнинг ғамҳўри, меҳрибони, ортидаги суянчи давлат ва жамият эканини доимо қалбдан ҳис қилиб туриши шарт.

Ногиронлик, дафн маросими, бокувчиёни йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун тоғон пули каби тўловларни қайта кўриб чиқиш, “Ижтимоий сугурта” тўғрисидаги конунни ишлаб чиқиш зарур.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиши, юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича устувор вазифаларни белгилаши лозим.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларимизни ҳам катъият билан давом эттирамиз.

Шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, ҳалқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгаларини учун муносиб меҳнат шарафтини яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз даркор.

Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилди. 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланган. Шунингдек, 17 та ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт муассасасини бошқаришда замонавий менежмент механизмларини жорий этиш зарур.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, соғлом рақобатни кучайтириш, биринчи навбатда; ихтисослашган тиббиёт марказларига ҳорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриш даркор.

Гематология ва вирусология ёрдам сифатини ошириш, бу турдаги даволаш қийин бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислох этишининг вақти келди.

Кон ва вирусли касалликларни бараект аниқлаш, даволаш учун малакали гематолог, вирусолог ва иммунолог тайёрлаш, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун маблағларни кўпайтиришимиз керак.

Ихтисослашган марказлар ва уларнинг филиалларида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарини жорий этиш даркор.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тубдан ислох қилиш мақсадида бу йил мажбурий тиббий сугуртага оид конунларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Ушбу тизимни жорий йилда Сирдарё вилоятида тажриба сифатида қўллаш бошланади.

Дори воситалари ҳаракатини назорат қилиш, контрафакт маҳсулотлар айланishiга чек қўйиш ва дориларнинг реал нархини онлайн тартибиде кузатиб бориш тизимини яратиш ҳам долзарб вазифадир.

Учинчидан, биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз.

2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит берилди. Бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратилди. Бундан ташқари, 1 минг 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойларга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож она-сингиларимизни Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 та мусам ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш ташкил этилади.

Мамалякатимиздаги туь ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак.

Ўзбекистон Ёшлар иттифогини **“Ўзбекистон ёшлари – 2025” концепциясини** ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни воғна етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгилаши зарур.

Жамиятга тинчлик ва оқсоқилликни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслигини, **“Ўз болангиз, ўз уйингиз, ўз Ватанингизни кўз қорачиқингиз асранг!”** деган шior оидораларимиз қалбидан чўқур жой олиши керак.

Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Шу боис, **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган дастурий гоа асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарофатли вазифадир.

Ёшлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасидан бошланган янги ташаббусимизни бутун мамлакатимиз бўйича амалга оширамиз. Мен вилоят раҳбарларини, жойлардаги барча жамоатчиликни ушбу масалага жиддий эътибор беришга чакираман.

Тўртинчидан, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топириш керак.

Бу борада ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз учун янги оммавий спорт объектларини қуриш зарур. Бу йил 269 та футбол, волейбол, баскетбол ва бадминтон майдонлари, 178 та бокс, кураш, фитнес ва гимнастика спорт заллари, 32 та теннис корти қуриш бўйича салкам 500 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши.

Ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни селекция қилишининг **“ташкilot – туман (шаҳар) – ҳудуд – республика”** босқичларидан иборат тўрт босқичли тизими жорий этилади.

Бу йил Тоқоқда бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз муносиб иштирок этиши учун ҳукумат ва Миллий олимпия қўмитаси барча шароитларни яратишлари зарур.

Бешинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кўпайтиришимиз керак.

Авалло, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича бошланган исил қўрилган ишларимизни давом эттириб, денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорларни кенгайтириш, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида “яшил белбоғ”лар барпо этишимиз лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини тақомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибин қайта кўриб чиқиш, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш ҳам муҳим вазифадир.

Ҳукумат санаот ривожининг экологияга таъсирининг олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбир-

лар дастурини ишлаб чиқсин. Шунингдек, нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, жорий йил 1 октябрда қадар Экология кодексини лойиҳасини ишлаб чиқиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳар бир ҳудуд ва юзасида бўйича экологини яхшилаш, чиқиндиларга доир ишлар орасида дастурлар ишлаб чиқиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт.

Олтинчидан, маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарур.

Жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 22 та театр ва маданият объектлари қурилади ва реконструкция қилинади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклиги асосида 20 та маданият маркази ва истироҳат боғлари фаолияти йўлга қўйилади.

Кинематография соҳасида бадиий жиҳатдан етук асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривожлантириш, жумладан, янги кинотеатрлар қуришни таъминлаш лозим.

Жорий йилда давлат буюртмаси асосида кино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш тақомиллаштирилади. Шу боис, Кинематографияни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ҳамда “Кинематография тўғрисида”ги конунни ишлаб чиқишимиз лозим.

Бундан ташқари, бу йил маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа – Шаҳрисабз шаҳрида иккинчи Халқаро мақом фестивалини муваффақиятли ўтказишимиз керак.

Шунингдек, 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамида, маърифат маънавиясини баланд кўтариб чиққан улуг аллома ва жамоат арбоби Махмудқўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади.

Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чўқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинами қанча кўп ўргансақ, бутунги кунда ҳам бизни ташвиш солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу беаҳмоқ бойликни қанча фол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етати.

Мухтарам юртдошлар! Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимида турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир.

Биз парламентнинг конун ижодкорлиги, парламент назоратини самарали ташкил этиш механизмлари билан боғлиқ барча масалаларни кунчи кеча Олий Мажлисда бўлиб ўтган учрашуларда атрофида ва чуқур муҳокама қилиб олдик.

Шу билан бирга, қуйидаги долзарб масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, жойларда ижро ва вақиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш зарур.

Ҳокимлар охириги 3 йилда уларга берилган кенг ваколатлардан қанчалик самарали фойдаланганини, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари фаолияти натижадорлигини назорат қилиш бўйича янги тизим яратиш шарт.

Шу ўринда ҳақиқат савол туғилди: нима учун Бош вазирдан бошлаб барча ҳукумат аъзолари, вилоят ҳокимлари парламентга ҳисобот беради-ю, вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ўз фаолияти ҳақида маҳаллий кенгашларга ҳисобот берадилми керак? Шунинг учун вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида вилоят кенгашларида ҳисобот берадиган тизим жорий қилинади.

Айни вақтда фармонлар, қарорлар, концепция ва стратегияларда белгиланган индикаторлар ва мақсадли параметрларнинг ижроси бўйича ҳокимлар ўз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб боришлари керак бўлади.

Ишнинг самарасини ошириш мақсадида маҳаллий вақиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини жорий этишни тақлиф қиламан.

Яна бир муҳим масала. Амалдаги конун ҳужжатларида ҳокимликларининг 300 га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан 175 таси, мазмун-моҳиятига кўра, ҳокимларнинг асосий вазифалари тоифасига кирмайди ва турли идораларнинг функцияларини такорралайди. Бу эса, иш сифати ва ижро интизомига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Шу сабабли Олий Мажлис Сенатига, Адлия вазирлигини жалб этган ҳолда, шу йилнинг биринчи ярмида ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга ҳис бўлмаган ҳамда бири-бирини такорралайдиган функцияларни тегишли органларга ўтказишни таъминлаш бўйича тақлиф тайёрлаш топширилади.

Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган тақлифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклики кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтиришимиз керак. Вазирлик ва идоралар ҳам бир четда томошбин бўлиб ўтирмаздан, бундай ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтириши лозим.

Шунинг учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг фаолиятини тақомиллаштириш даркор.

Мамалякатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўша муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик ашитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади.

Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этишни тақлиф қиламан.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик ашитувларини ташкил этиш лозим.

Хурматли депутатлар ва сенаторлар!

Бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, конун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва қучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ.

Конун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалар ҳақида Конституция қўмитаси бағишланган тантанали маросимда батафсил тўхталиб ўтганимиздан янши хабардорсиз.

Бу борада қуйидаги қўшимча вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Авалло, суд мустакиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур.

Яна бир бор айтмоқчиман – дастлабки терговда давом этиб келаётган конун бўлими ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустакиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкин.

Бу борада қабул қилган конуний чора-тадбирларимиз аниқ натижалар бера бошлади. Ушбу ижобий ўзгаришларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг судьялар мустакиллиги бўйича махсус виллиди Диего Гарсия-Саян жаноблари ҳам алоҳида эътироф этди.

Ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озоқ қилинган бўлиб, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан қичирилди ва ўзгартирилди.

Судьяларимизнинг адолатли ва конун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг қатъи ютуғимиздир. Мен, Президент сифатида, судьяларнинг бундай жасорати ва катъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларни бузишдан, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, таъкирлар учун жавоб берадиган вақт келди.

Эски тузумдан қолган ва хануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан қақриб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим. Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин.

Суд раислари томонидан судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ва уларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш бўйича ваколатларини қайта кўриб чиқиш керак.

Давлат идоралари мансабдорлари шунч чуқур англаб олсинлар: судлар мустакиллигини таъминлаш масаласи

бундан бўён ҳам шахсан Президентнинг қатъий назоратида бўлади. Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукми сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, “Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди”.

Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар конунларнинг толмас ҳимоятчилари, адолатнинг мустаҳкам устуллари бўлиши лозим.

Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги уч ой мuddатда юқорида билдирилган тақлифларни амалий тақлиф этишни назарда тутадиган, конун лойиҳасини киритсин.

Иккинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасига доир асосий конун ва кодекслар бундан даярли 20-25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ҳозирги давр талабларига жавоб берамайди.

Шу сабабли парламент яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгитдан қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада, аввало, тергов ва суд амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илгор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Конунчиликни янгиланган мақсад – фақат конун қабул қилиш эмас, аксинча, янги конунлар эртага одамларга қандайд амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандайд янгиллаштириши ҳақида бош қотирилган иборат бўлмоғи лозим.

Учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг бараект олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарур.

Биз ички ишлар идоралари фаолиятини тақомиллаштириш бўйича жиддий ислохотларни амалга оширмоқдамиз. Бироқ, очик тан олиш керак, ушбу идоралар ҳали халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоятчига айланигани йўқ.

Тизимда жамоат тартибининг сақлаш, жиноятларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонлар белгиланмаган. Шу сабабли ислохотларни давом эттириб, ички ишлар идораларини одамларимизнинг оғирини енгил қиладиган тузилмага айлантириш зарурлигини янги бор такоррорлаш ўринли, деб биламан.

Бу масала янги парламент, хусусан, Сенат олдидаги беш йиллик вазифа бўлиб, бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш ва амалий чоралар кўриш лозим.

Ички ишлар органлари учун барча даражадаги раҳбарларнинг малакасини ошириш ва мақсадли тайёрлаш тизимини ташкил этиш зарур.

Тўртинчидан, афсуски, жамиятимизда коррупция иллоти ўзининг турли қўринишлари билан тараққийотишга гова бўлмоқда.

Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.

Тадбиркорлар ханузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божона, бонк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётганини Президент номига келиб тўшаётган қўллаб муурожаатлар ҳам, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқушлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг янши мутахассислар жалб қилинамиз экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “жамоатлик ваққинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг бараект олдини олишга ўтишимиз керак.

Ана шу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни тақлиф этаман.

Президент Администрацияси Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталари билан биргаликда уч ой мuddатда тегишли фармон лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Бешинчидан, фуқаролик масалаларига оид конунчиликни тақомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомига эга бўла олмаган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини конуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келди, деб ўйлайман. Хусусан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан бўён истикомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши даркор. Шу тарихи 500 мингта яқин юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ узоқ йиллардан бўён ечилмасдан келаётган муаммоларни ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамаси бу масалани Олий Мажлис Конунчилик палатаси билан ҳамкорликда кўриб чиқиш, жорий йил 1 майга қадар тегишли конун лойиҳаларини тақдим этиши лозим.

Муносабат

КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР ҲУЖЖАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг парламентга 2019 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси турли вазирилик ва идоралар, ташкилот ва кўмиталар, бутун халқимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасида ҳам Ватанимизнинг келгусидаги тараққиётига тааллуқли ушбу Мурожаатнома тўғрисидаги трансляция орқали кузатиб борилди. Кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизда ушбу Мурожаатнома ҳар бир ҳамюртимизнинг ҳаёти, тақдирини, фарзандлари келажакига дахлдор экани яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топди. Тадбир иштирокчиларининг Мурожаатномага оид фикрлари билан қизиқдик.

Дурдона АВЕЗДУРДИЕВА, Республика Туркман миллий маданий маркази раисининг ўринбосари: – Назаримда ушбу Мурожаатнома наинки бир йил, балки Ватанимизнинг кўп йиллик тараққиётини олдидан белгилаб бергани билан аҳамиятли бўлди. Унда ҳамият ҳаётининг барча жаҳаллари кенг ва атрофли, мукамал қамраб олинган, ҳаётимиздаги ҳеч бир муаммо, мукамал масала давлатимиз раҳбарининг назаридан четда қолмагани алоҳида таъкидга лойиқдир. Ўзбекистонда бугунги кунда истиқомат қилаётган кўпмиллат ва элат, диний конфессия вакиллари шу табаррук заминни ўзининг она юрти деб ҳисоблайди. Барчамизнинг фарзандларимиз шу азиз дийрда воёга етди, униб-ўсади, таълим-тарбия олади. Шу боис давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномада ёшларнинг замонавий билимларини эгаллаши учун зарур барча шароит ва имкониятларни, қулайлик ва имтиёзларни яратиш борасидаги фикрларини оддий она сифатида қалбимда гоё катта ҳаяжон билан кутиб олдим.

Фахриддин ЎТБОСАРОВ, Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази бўлим бошлиғи: – Дарҳақиқат, бугунги кунда муайян мамлакат, жамият тараққиётини илгор технологиялар, айниқса, рақамли технологиялар, замонавий билимларни пухта эгаллаган ёш мутахассис кадрларга тасаввур этиш мумкин эмас. Айни пайтда ушбу жиҳатлар мамлакатнинг халқаро миқёсдаги обрўси ва имижини ҳам белгилашда устувор ўрин эгаллайди. Президентимизнинг рақамли технологияларни жадвал раванк топтириши, айниқса таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, ижтимоий жаҳалларга кенг жорий этишга доир фикрлари кўпчилида катта қизиқиш уйғотди. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ишлаб чиқишга оид таклифлари мамлакат ривожини янада илдамлаштириб юборишдек эзгу мақсадларни қўзлаши билан аҳамиятлидир. Президентимиз 2020 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкило-

ти билан муносабатларни ривожлантириш – Ўзбекистон ташқи сийосатининг муҳим йўналиши бўлиб қолиши, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (Россия, Озарбайжон), Марказий Осиё, Европа Иттифоқи (Италия) ва Осиё (Хитой, Ҳиндистон, Туркия) мамлакатлари билан олий даражадаги икки ва кўп томонлама тадбирлар ўтказилиши кутилаётгани алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатидан кўри-ниб турибдики, давлатлараро ўзаро қўшничилик ва ишончли ҳамкорлик, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, ШХТ-га аъзо давлатларнинг ҳозирги замон тараққиётини ривож-лантиришига ҳисса қўшишдек эзгу мақсад йўлида янада кўпроқ масъулият билан фаолият олиб бориш бурчимиздир.

Лола ЖУМАНОВА, Республика Қозоқ миллий маданий маркази фаоли: – Бугун биз улкан тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдик. Буни Президентимизнинг бутун мамлакатга, халқимизга Мурожаати деб ҳам аташ мумкин. Давлатимиз раҳбари нутқларини катта ҳаяжон ва масъулият билан тинглади. Ундан тўлқинланмаган ҳамюртимизнинг ўзи бўлмаса ке-рак. Умр бўйи ўқитувчи бўлиб меҳнат қилганман. Давлати-миз раҳбарининг болаларни мактабга олти ёшдан қабул қилиш, педагогика йўналишидаги олий ўқув даргоҳидаги тахсилни уч йил эйти белгилаш, ёшларнинг олий ўқув юртидаги билим олишини тўлов контрактга эмас, балки айнан давлат гранти асосида оширишга оид таклифларини ойнажоханда кўрганамиздек, наинки бугунги йилгилиш иш-тирокчилари, назаримда бутун мамлакат аҳли катта қувонч билан кутиб олди, десам муболага бўлмайди.

Ренат ГУЛЯЕВ, Республика Бошқирд миллий маданий маркази раҳбари: – Ўртбосимизни рақамлаштириш, интернетни ривож-лантириш, олий таълим, илм-фан, маънавият ва вазири-фатга доир фикрлари ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Халқимиз янги йилга муайян ном берилишини интиқлик билан кутди. Негаки, шу номга мутаносиб тарзда жамият ҳаётига доир қўлбел эзгу ташаббусларга старт берилди. Шу маънода 2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқти-содиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилинганини кўпчилик мамнуният билан кутиб олди. Дарҳақиқат, бугун-ги шиддатли глобализация даврида давр талабига монанд технологияларни ўзлаштирмас эканмиз, тараққиёт ҳақида ҳатто орзу қилиш ҳам мумкин эмас.

Насиба ЗАЙНИДИНОВА, Республика Тожиқ миллий маданий марказининг масъул ходими:

– Президентимизнинг сўзларини тинглаб эканман, Аб-дулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Юсуфбек Ҳожининг “Бу хонадондан ҳеч қим норизо бўлиб кетмас-лиги керак”, деган сўзлари мамлакатимизда инсон омили-га устувор аҳамият қаратилаётган ислохотларнинг ҳам ма-зунига ҳамоҳам эканини ўйлаб қолдим. Давлатимиз раҳ-барининг Мурожаатномаси кучли ижтимоий йўналтирилган-ни билан эътиборини тортиди. Дарҳақиқат, ёшлар, хотин-қизлар, қариялар, тадбиркорлар, гўдаклар, Меҳрибонлик уйлариининг норасида тарбияланувчилари, муҳтож оилалар, қўйинг-чи, барча-барчанинг манфаатларини ҳимоялашга, гамхўрлик кўрсатиш, ҳаётини янада яхшилаш учун кенг имкониятлар яратиш учун асосий эътибор қаратилган. Ав-валлари айрим мавжуд камчиликлар ҳақида унчалик гап ҳам очилмас эди. Бугунги Мурожаатнома давлатимиз раҳ-барини уларнинг барини руй-рост очиб ошқор айтиб, ечимин-га оид йўллариини ҳам белгилаб бергани алоҳида диққатга сазовордир.

Румия ДЕВЛИКАМОВА, Тошкент шаҳридаги Татар ижтимоий маданий-маърифий маркази вакили: – Бу Ватанимиз истиқболини, унинг тараққиётини бел-гиловчи муҳим дастуриямалдир. Ўзбекистонда истиқомат этаётган турли миллат вакиллари шу заминдан бахт-икбоб, осойишталик, ҳаловат, фарзандлари камолотини топган. Йил бошида режалар тузиш яхши анъанага айланган. Президентимиз йўллаган қамрови ва залвори гоё кенг бўлган Мурожаатномада иқтисодиёт, банк, қишлоқ ҳўжа-лиги, таълим, маданият ва саноат, илм-маърифат, барча жаҳба тўлақонли қамраб олинган. Айниқса, кексаларга бўлган ўзгача ҳурмат ва эҳтиром-дан қалбим тоғдек кўтарилган бўлса, ёшлар келажаги йўли-даги амалий эътибордан қўлларининг қалбидидаги ишонч янада мустаҳкамланди. Бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонил-ган Галабанинг 75 йиллиғи кенг нишонланди. Қанчадан-қанча одамлар шу табаррук дийрдан бошлана, меҳр топ-ган, ўзбек халқи охириги бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Буни бугун кўплар миннатдорлик билан ёдга олади. Президентимизнинг “Биз уруш ва фронт орти фахрий-ларини фақатгина байрамларда эмас, балки ҳар доим эъзо-лаб ардоқлашимиз, уларнинг соғлиғи ҳақида ҳар кун, ҳар соатда ўйлашимиз лозим. Жорий йилда уларга ҳар томон-лама эътибор янада кўчайтирилади. Хотира ва кадрлар кўни ва Галабанинг 75 йиллиғини ҳар томонлама муносиб ва юқори савидада нишонлаш учун тайёрларлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак”, деган сўзларидан наинки менинг, кўпчилик ёши улғу одамларнинг кўзида ёш қалқиди.

Усен ИСКЕНДЕРОВ, Уйғур миллий маданий маркази аъзоси: – Президентимизнинг тадбиркорликка доир фикрлари кўпчилигини кўнглида умид ўқунларини янада қўчайтир-ди, десам муболага бўлмайди. Мен ҳам аслида тадбиркор-ман. Авваллари тадбиркорлик фаолияти йўлида қандай тўсқинликлар ва говлар бўлганини эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Мурожаатномада Президентимиз тадбир-корларга янада кўпроқ имконият ва имтиёзлар бериш ҳақида батафсил тўхтади. Бугун мамлакатимизда миллатидан қатъи назар, ўзининг бор салоҳиятини намоян этиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбарининг Мурожаат-номаси она Ўзбекистонимизнинг фаровонлиги йўлидаги муҳим амалий қадамдир.

Ўза муҳбири Назоқат УСМОНОВА ёзиб олди

ЯНА БИТТА МТМ ОЧИЛДИ

Куни кеча Чилонзор туманида тўла реконструкция қилиниб, таъмирдан чиқарилган 314-сонли мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзе-кистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарори асосида бинонинг фасад қисми, пол қисми, электр тизими ва ички пардоз қисмлари тўлиқ янгиланди. Бундан ташқа-ри, МТТ худудида ошхона биноси қурилиб, болалар ёзги ўйин айвончалари, йўлаклар тўлиқ таъмирлан-иб, ташқи сув ҳавзаси қурилди.

Богчанинг очилиши аҳоли ва болалонлар, тарбиячи ва масъул ходимлар учун қувончли байрамга айлан-ди. Тадбирда Мактабгача таълим вазирилик масъ-ул ходимлари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, мак-табгача таълим ташкилоти туман бўлими ходимла-ри, ота-оналар иштирок этди.

Чилонзор тумани ҳокимлиги Матбуот хизмати

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ИШОНЧЛИ КЎЛЛАРДА

Ҳар йили дунё бўйлаб 26 январь куни божхона ва божхоначилар касб байрами нишонланади. 1952 йил Божхона ҳамкорлик Конгресс кенгашини шакллантириш мақсадида ушбу ҳужжат кучга кирди.

30 йил ўтган 1983 йилда бу кун Халқаро божхона ходимлари байрам куни сифатида белгиланди. Тез ора-да Европада ушбу ташкилот жуда кўпчиликни бирлаш-тирди ва энг нуфузли ташкилотлардан бири бўлди. Айни вақтда жаҳон божхона ташкилоти 179 та давлат-ни ўзида бирлаштирган. Дунё бўйлаб ушбу касб байра-мини 800 мингдан ортиқ ходим нишонлайди. Маълумки, ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги мил-лий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигини таш-кил топади. Уни тўлиқ оқилона эгаллаш ва ривожланти-риш эса ҳозирги авлоднинг асосий вазифасидир. Ёш авлоднинг миллий қадриятлар руҳида тарбияланганининг ўзи ҳам муайян хулқ-маданиятини таркиб топтиришга имкон туғдириди. Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг асосий қонда-ларини ҳаётга татбиқ этиш, унинг моддий-техника база-сини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарор ва фармонлар, ёшларга мустаҳкам билим олиши учун кенг имконият-лар яратилаётганининг яна бир бор исботидир. Бун-га жавобан биз ёшларни тарбиялашда ва уларга билим беришда барча куч-ғайратимизни аямаслигимиз лозим.

Ватан ҳимоячилари деган шарафли туйғу билан на-фас олаётган аскарга ҳавас қиламан. Шу туйғу билан нафас олаётгани, демак, юраги ўйғок. Поства сержак турган аскар, ҳимоячи, сенга Ватанин сев, унинг ҳар бир қарчинин ардоқла, дея қўрсатма бериб бўлмайди. Чўки сенинг қалбинг ўйғок. Истиқлол шабадаси эсаёт-ган Ватанда эркин нафас олаясан, Ватан харитаси юра-гинга чизилган, шу боис бу тупроқнинг муқаддаслиғи-ни қалбан ҳис қиляясан. Ҳимоячи довурак ўғлон, сен бизнинг тинчлигимиз, осойишталигимизга посбонсан. Ватан ҳимоячиси ҳақида бежиз бот-бот эсламаяман. Чўки, у тушунча она билан эғизакдир. Ватанин қўриқ-ляясан, демак онани, унинг ҳаловатини муҳофаза қила-ясан. Бундай шарафли бурч билан қанчалар гурунлан-сан арзиди. Ватан сарҳадида зийрак нигоҳингиз қадаб, бир-бир кўздан кеңирасан. Аждодларнинг руҳи кезиб юрган Ватан бир зум нигоҳингда жолланади. Ва сенга куч, далда беради. Гўдакларнинг ширин уйқуси бузил-масин, она аласида маъноси йўқ бўлсин. Шунданми, мунаввар тоғлар бир олам ютқуларимиздан бизга гул-даста тортиқ этади. Билгилки, бунда сенинг бекиёс ҳис-санг бор, Ватан посбони! Мусофиро осмонимизда темир қалхатлар эмас, истиқлол эришган тинчлик қалтарлари парвоз қилсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусофиро бўлсин. Бу сенга боғлиқ Ватан ҳимоячиси, юрт ўғлини!

Лазиз АЗИМХОДЖАЕВ, ДБК Божхона институти курс бошлиғи, божхона хизмати подполковниги

Реклама ва эълонлар

Шайхонтоҳур тумани Давлат хизматлари маркази то-монидан 08.04.2014 йилда 007455-09 реестр рақам билан рўйхатга олинган “DENTA GLOBAL” МЧЖ (СТИР 302904770) Шайхонтоҳур тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 23.12.2019 йилда 793546 рақам билан рўйхатга олинган “NANCY-S” МЧЖ (СТИР 3069651480) таркибига қўшилишини маълум қилади. “DENTA GLOBAL” МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбурият-лари юзасидан ҳуқуқий ворис “NANCY-S” МЧЖ ҳисоб-ланади. Даво ва аризалар қуйдаги (71) 244-99-38 теле-фон рақами орқали қабул қилинади.

“MARJONI” МЧЖ 2020 йил 23 январдаги № 01-сон-ли қарорига асосан жамиятнинг устав фонди 19 953 000 сўмдан 11 310 000 сўмга камайганини маълум қилади. Мурожаат учун телефон: (90) 358-19-00.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ Тошкент шаҳрида 25 январь куни ҳаво ўзарини тур-ди, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, қорга айлангани эҳти-моли бор. Фардан шарққа йўналишини ўзгартирган ша-моал секундида 5-10 метр тез-ликда эсади. Ҳарорат кечаси – 1-4 даража илқ, кундузи – 5-7 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг монито-ринг хизмати маълумотиға кўра, 25 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарар-ли моддаларини бир оз тар-қалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш дара-жаси паст бўлади.

ИЛМ-МАЪРИФАТ ТАРАҚҚИЁТНИНГ КЎЗИДИР

Халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаатномасини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан қарши олди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш му-ҳандислари институти жамоаси ҳам ана шундай юқори кайфият билан Президентимиз Мурожаатини тинглаш учун яқиндагина таъмир-дан чиққан муштаман маданият са-ройига жам бўлишди. Институти про-фессор-ўқитувчилари кенг саҳнага ўрнатилган катта монитор орқали Президентимизнинг Мурожаатно-масини диққат билан тинглади. Унда халқимиз истиқболли ҳамда мамлакат раванқи учун ҳар бир раҳ-бар, ҳар бир фуқаро қандай иш ту-тиши билан боғлиқ вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Халқ ноиблари ва сенаторларга умид ва ишонч билан қараган халқимизнинг истаги ва манфаа-тидан улғу мақсад йўқ. Масалага онгли равишда ёндашиш, корруп-ция балосига қарши кескин кура-шиш, илм-фанини, рақамли иқтисо-диётни тўла шакллантириб ривож-лантириш, барча соҳавий йўна-лишларда ўзаро манфаатли ҳам-корлик тўғриси йўлга қўйилмаса, мамлакат тараққиёти ҳақида сўзлаш беҳуда. Бугунги даврнинг талаби ҳам шу. Президентимиз

2020 йилни “Илм, маърифат ва ра-қамли иқтисодиётни ривожланти-риш” йили деб номлашни таклиф қилиши ҳам бежиз эмас. Илм-маъ-рифат тараққиётнинг кўзи бўлса, рақамлилик аниқликка йўналтирил-ган мияси, иқтисодиёт эса унинг юраги ва кўл-оёғидир. Мурожаатномада “Илм йўқ жойда тўғри йўлдан адашиш бўлади, илм бу бизга ҳаводек зарур, энг катта бойлик ақл-заковат, энг катта қаш-шоқлик бу билимизидир” деган пурмаъно ўғитлар барчамизни жид-дий ўйлашга мажбур этади. Ҳар бир соҳада илмий назар бўлмагани боис, мактаб яратилмаганини ҳам давлатимиз раҳбари ўринли таъкид-лади.

Институти жамоаси давлати-миз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасини ҳаяжон билан тинглаб, бу шунчаки, қаҳриқ эмас, балки, ҳаёт учун йўлланма, та-раққиёт учун қўлланма эканлигини чуқур ҳис этди.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти матбуот хизмати раҳбари

ЁШ ЧЕМПИОНЛАР ЯНАДА КЎПАЯДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, бу борода ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз учун янги оммавий спорт объектларини қуриш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароит яратиш мақсадида жорий йилда 269 та футбол, волей-бол, баскетбол ва бадминтон майдони, 178 та бокс, кураш, фитнес ва гимнастика спорт зали, 32 та теннис корти қурилиши учун 500 милли-ард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бу сазй-ҳаракатлар амалга оширилса, энг чека туманларда барпо этиладиган замонавий спорт иншоотларида болалар ва ўсмирлар, хо-тин-қизлар ҳам жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланади.

Ушбу спорт иншоотларини қуришда маҳал-лий шароитни инобатга олиб, янги технология ва энгил конструкциялар асосида лойиҳалашти-риш ишлари режалаштирилмоқда. Янги қурилад-иган иншоотларда ёш спортчилар, бўлгуси че-мпиионлар учун барча қулайлик яратилади. Ушбу иншоотлар жаҳон стандартларига тўла жавоб бера оладиган, юртимизда ишлаб чиқариладиган спорт инвентарлари билан жиҳозланади. Бу эса, ёшлар-ни иқтидорли спортчи бўлишга ундайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни селекция қилишнинг тўрт босқичи – “Ташкилот – туман (шаҳар) – ҳудуд – республика”дан иборат ти-зим яратилиши нуфузли мусобақаларда мамла-катимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган маҳоратли спортчиларнинг камол топишида му-ҳим роль ўйнайди.

Мазкур тизимни жорий этишда спорт феде-рациялари ва ассоциациялари мутахассислари

зиммасига улкан вазифалар юкланади. Улар ҳар бир туман, шаҳар ва республика босқичидаги мусобақаларни кузатади ва, ҳар қандай ёш тои-фасидан қатъий назар, келгусида юксак нати-жалар берадиган спортчини аниқлайди, уни таж-рибали мураббийларга тавсия этади.

Жорий йилда спорт оламининг энг нуфузли мусобақалари – XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинлари Токио шаҳрида бўлиб ўтади. Мазкур мусобақаларда спортчиларимиз улкан зафарларни қўлга киритиши учун бор куч-ғайратларини ишга солади.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларидан спортчиларимиз муносиб иштирок этиши учун давлатимиз ва Миллий олимпия кўмитаси томонидан барча шароитни яратиш зар-ур эканини яна бир бор айтиб ўтди.

Биз, мураббийлар мазкур мусобақаларда спортчиларимизнинг юқори натижа қўрсатиш-лари учун муҳим вазифаларини белгилаб ол-дик. Мамлакатимизда давлатимиз томонидан аҳоли ўртасида оммавий спортни ва ёшлар-имизнинг ўзлари танлаган спорт турлари билан шуғулланиши учун барча имконият яратилмоқда. Бунга жавобан спортчилари-миз маррани юқори олиб, жаҳон ва китъа чемпионатлари, Осиё ва Олимпия ўйинла-рида мамлакат шарафини янада юксалтириш-лари шарт.

Тўлқин ҚИЛИЧЕВ, Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

Реклама ва эълонлар

“FIRST MUSIC STYLE” МЧЖ (СТИР 303491234) устав фонди 920 840 000 сўмдан 763 894 600,70 сўмга камайтири-лаётганини маълум қилади. Эътирозлар эълон нашр қилинган кун-дан бошлаб қуйдаги телефон рақами орқа-ли қабул қилинади. +99890 998-11-48.

Тошкент автомобиль йўллариини лойи-ҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институ-ти жамоаси институтининг “Транспорт логистикаси” кафедраси катта ўқитувчиси Гаваҳори Қобилова Хакбердиевага воли-дан муҳтарамаси Дилбархон Жалолиддинова НИЯЗБЕКОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия из-ҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассаса-сида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори асосида Яқкасарой тумани А.Қаҳқор кўчаси, 56-уй манзилида жойлашган 321-сонли умум-таълим мактабида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхонасини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Танлов 2020 йилнинг 7 февраль куни соат 15:00 Яқкасарой тумани, Ўрикзор 2-тор кўчаси, 45-уй (Яқкасарой туман халқ таълими бўлими)да бўлиб ўтади. Мурожаат учун манзил: Яқкасарой тумани, Ўрикзор 2-тор кўчаси, 45-уй. Телефон: (71) 255-36-87.

Ўртачиринк миллий ҳунармандчилик дизайн ва сервис касб-хунар коллежи томонидан 2016 йилда Мамаюнов Шохобиддин Рустамали ўғли номига берилган К № 4425613 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛАДИ

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчас маул” ДК томонидан Мир-зо Улғабек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 4215-уй манзилида жойлашган “LAZ NASIBANON” МЧЖга берилган 10:09:04:02:02:0034 рақамли реестр рақами 9-501/2016 бўлган кадастр ҳужжатлари ва 26.12.2016 йилда берилган TS 0204690 рақамли кадастр гувоҳ-номаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва комму-никацияларни ривожлантириш вазирилик томонидан “SHODI” ХКга берилган АА № 0006043 рақамли амал қилиш мuddати 03.02.2012 йилдан 03.02.2017 йилгача бўлган лицензияси йўқолганлиги са-бабли БЕКОР ҚИЛАДИ

Тошкент саноат касб-хунар коллежи томонидан 2015 йилда Кодиров Озод Омон ўғли номига берилган К № 4025330 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛАДИ

Тошкент ОқШОМИ Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчор кўчаси, 32 ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассаса-сида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори асосида Яқкасарой тумани А.Қаҳқор кўчаси, 56-уй манзилида жойлашган 321-сонли умум-таълим мактабида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхонасини ижарага бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Танлов 2020 йилнинг 7 февраль куни соат 15:00 Яқкасарой тумани, Ўрикзор 2-тор кўчаси, 45-уй (Яқкасарой туман халқ таълими бўлими)да бўлиб ўтади. Мурожаат учун манзил: Яқкасарой тумани, Ўрикзор 2-тор кўчаси, 45-уй. Телефон: (71) 255-36-87. Ўртачиринк миллий ҳунармандчилик дизайн ва сервис касб-хунар коллежи томонидан 2016 йилда Мамаюнов Шохобиддин Рустамали ўғли номига берилган К № 4425613 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛАДИ 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёқи “Тошкент почтаси”га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишни шунинг мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади Нашр кўрсаткичи — 563 Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1164 нусхада босилди. Қозғоқ бичими А-2 Нашр учун масъул О. Ҳазратов Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Ҳақиқат — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1164 нусхада босилди. Қозғоқ бичими А-2 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёқи “Тошкент почтаси”га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишни шунинг мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармачиси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Ҳ